

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 7 524,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 6,5 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-июнь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 109,7 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6 443,6	7 524,7	106,5
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 943,1	6 953,9	106,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	500,5	570,8	106,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 943,1	6 953,9	106,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	844,1	972,8	106,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 938,6	2 290,6	106,3
саноат	1 534,9	1 790,1	105,0
қурилиш	403,6	500,4	111,4
Хизматлар	3 160,5	3 690,5	106,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	626,2	772,6	112,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	840,4	899,5	103,6
бошқа хизматлари	1 693,9	2 018,4	106,3

Январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (111,4 %), хизматлар (106,7 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,3 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 1,3 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 53,1 фоиз (2016 йил январь-июнь ойларида 53,2 фоиз)ни ташкил қилди.